

12-10-2019

ABOUT PATH MOTIVE

Oybek Kuchkarov
Andijan State University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Kuchkarov, Oybek (2019) "ABOUT PATH MOTIVE," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 12 , Article 31.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss12/31>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ABOUT PATH MOTIVE

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2019 йил 12 сон

ЙЎЛ МОТИВИ ҲАҚИДА

Қўчқаров Ойбек

Андижон давлат университети

Аннотация: Ушбу мақолада 20-30-йиллар ўзбек шеъриятида даврнинг руҳини тўла ақс эттиришга сафарбар этилган янги поэтик мотивлар ва “йўл” поэтик мотивининг шакл ва мазмун муносабатлари ҳақида асосли мулоҳазалар билдирилган.

Калит сўзлар: поэтик мотив, мотив, мотив образ, сўз образ, тема.

О МОТИВИ ПУТИ

Ойбек Қучқаров

Андижанский государственный университет

Аннотация: В данной статье дается новое понимание взаимосвязи между формой и содержанием поэтических мотивов “пути” в поэзии 20-30-х годов, направленных на полное отражение духа эпохи.

Ключевые слова: поэтические мотивы, образ слова, тема.

ABOUT PATH MOTIVE

Oybek Kuchkarov

Andijan State University

Abstract: This article gives a new understanding of the relationship between the form and content of poetic motives of the “path” in poetry of the 20-30s, aimed at fully reflecting the spirit of the era.

Key words: poetic motives, motives image, image of a word, theme.

Ўтган асрнинг 20-30-йиллари адабий жараёни ниҳоятда мураккаб кечгани, адабий авлод алмашинувида ғоявий-мафқуравий асосларнинг устувор бўлгани маълум. 20-йиллар адабий жараёнида етакчи бўлган жадидчилик ғоялари таъсиридаги адабий авлоднинг аста-секин ўз ўрнини шўро мафқураси таъсирига берилган авлодга бўшатиб бериши адабиётнинг нафақат ғоявий, балки бадиий-эстетик тамойиллари, образлар тизимида ҳам сезиларли из қолдирди. Шеърятмизда қадимдан қўлланиб келган поэтик образлар қисқа вақт ичида мазмун ўзгаришларига учради, қатор янги поэтик мотивлар вужудга келиб, улар ўзида даврнинг руҳини тўла ақс эттиришга сафарбар этилди. Жумладан, мумтоз шеърятда фаол қўлланган “ошиқ”, “ёр”, “ағёр”; “май”, “жом”, “соқий”; “дайр пири”, “муғбача”, “санам” каби кўплаб мотив-образлар ўзида давр руҳини, янги даврнинг умумкайфтиятини энди тўла ақс эттира олмай қолди. Натижада улардан айримларининг қўлланиш доираси сезиларли торайди, айримлари жиддий мазмуний ўзгаришларга учради. Мазмуний ўзгаришларга учраган мумтоз образлар аксар ижтимоий мазмун касб этди. Янгича ижтимоий руҳ-кайфият, янгича шароитда етишган талаб-эҳтиёжларга жавоб бериш учун янги поэтик образлар тизими тақозо қилинар эди. Шунинг натижаси сифатида

давр шеърлятида бир қатор янги ва янгиланган поэтик мотивлар кенг оммалашди. Шундай мотивлардан бири сифатида йўл мотивини кўрсатиш тўғри бўлади. Йўл (ёки сафар) мотиви 20-30-йиллар ўзбек шеърлятида жуда кенг оммалашди. Бунинг сабаби шундаки, мазкур давр ижтимоий ўзгаришлар, ғоявий-мафкуравий курашлар даври эди. Бу курашлар ўнинчи йиллардан бошлаб шаклланиб келаётган жадиид шоирлари авлоди ва эндигина оёққа турган шўро шоирлари авлоди орасида кечди. Зеро, бу давр кишиларининг кўпчилиги, айниқса, зиёли қатлам вакиллари у ёки бу ғояга тарафдор ва шу ғоя кўзлаган мақсад йўлида ўзларини сафарбар билганлар. Бу ҳол давр шеърлятида йўл (сафар) мотивини фаоллаштирди. Биз буни даврнинг икки пешқадам шоири – Чўлпон ва Ойбек ижоди мисолида кузатамиз. Чўлпоннинг “Улуғ йўлда”, “Юрт йўли”, “Ишқ йўли”, “Менинг йўлларимда”, “Уч-тўртта юлдуз”, Ойбекнинг “Ёш йўлчи”, “Турмуш йўлида”, “Сахрода”, “Абадий йўлчилар”, “Ҳаёт йўлларида” шеърларида “йўл” мотиви у ёки бу кўринишда мавжуд. Масалан, 1920 йилга мансуб “Бокуга Шарқ қурултойига кетганда” номли шеърида Чўлпон ёзади:

Йўлимизда чўллар, сувлар, денгизлар,
Босувчисин таниб бўлмасдек излар.
Шу изларни босиб, денгизлар кечиб,
Буюк амал билан борамиз бизлар. [1.57]

Кўриб турганимиздек, бу шеърда кечинма лирик “биз” тилидан ифода этилаётир, бошқача айтсак, лирик қаҳрамон ўзини кўпнинг бири сифатида тақдим этмоқда. Умумайян йўлдан бораётганлар (“йўлчилар”) қаторида, хамроҳлари каби мақсади (“буюк амал”) аниқ, босиб ўтилажак йўлнинг мураккаб ва оғир эканини (тоғлар, денгизлар ошиш керак) яхши англайди. Шеърнинг тарихий-биографик контексти “йўл”, “буюк амал”, “чўллар”, “сувлар”, “денгизлар” каби поэтик образларнинг маъноларини англашга қалит бўлиб хизмат қилади. Юрт озодлиги дарди билан яшаган шоир Бокудаги Шарқ халқлари қурултойига борганида энди мақсадни кенгроқ–бутун мазлум Шарқ озодлиги тарзида олади ва айни шуни “буюк амал” деб атайди. Шеърдаги “биз” эса шу мақсадни йўлга чиққан (ҳаракат қилаётган) курашчиларнинг ҳаммасини англатади. Лирик қаҳрамон бу йўлнинг оғирлиги, олдинда “чўл”, “сув” “денгиз” лар тўсиқ бўлиб турганини яхши билади, лекин уларни енгиб ўтишларига ишонади. Бундаги оптимистик руҳ Чўлпоннинг Шарқ қурултойига катта умид билан қарагани, Шарқ халқларининг озодлик учун курашдаги бирлиги ғоясига ишончи билан изоҳланади. Шеърдаги яна бир муҳим образ–босувчисини таниб бўлмас даражага келган “излар”га ҳам алоҳида тўхталиш керак. Бу образ шу йўлда илгари юрганлар, яъни Ватан эрки ва халқ озодлиги учун курашда ўтган аждодларни англатади. Бу билан эса шоир озодлик учун курашнинг мудом кечиб келаётган жараён эканилиги, бу кураш то “буюк амал”га етмагунча тўхтамаслигига ишора қилади.

Юқоридаги шеър мисолида “мотив” атамасини қандай маънода ишлатаётганимизни аниқлаштириб кетиш мақсадга мувофиқ. Биз “мотив”

атамасини бир-бирига чамбарчас боғлиқ иккита маънода қўллаймиз. Биринчи маънода “Мотив (мотив образ) шаклий ва мазмуний жиҳатлардан муайян турғунлик касб этган, бир ёки бир неча ижодкорнинг асарларида қайтарилиб туриши билан уларнинг ижодий интилишларини намоён этиб турувчи образдир. Мас., Чўлпон ижоди учун “йўл” образи мотив саналиши мумкин. Чунки бу образ унинг ҳам шеърий, ҳам насрий асарларида тез-тез такрорланади”[2.180]. Иккинчи маънода эса мотив лирик сюжетнинг элементини англатадики, мотивларнинг бирикиши кечинма ҳаракатини, демак, лирик асарнинг тематик қурилишини таъминлайди. Аслида, иккала таърифда ҳам лирик асарга нисбатан олганда “мотив” ва “тема” тушунчалари бир-бирига чамбарчас боғлиқ эканлигини кўриш мумкин. Чунки иккала ҳолатда ҳам мотив шаклий ва мазмуний жиҳатлардан умумийлик, ажралмас бирликни англатмоқда. Мутахассислар таъкидлаб айтадиган яна бир жиҳат шуки, лирик асарда мотивнинг кўпинча бир муайян сўзда мужассам топиши кузатилади. Дарҳақиқат, юқорида келтирилган Чўлпон шеърида алоҳида сўз (“йўл”, “чўллар”, “сувлар” “денгиз”)да ёки бирикма (“буюк амал”, “босувчисин таниб бўлмас излар”)да мотив мужассамланган, яъни уларни “сўз-образ” деб аташга асос бор. Шунинг учун ҳам лирик асар ҳақида сўз борганда гоҳида “калит сўзлар” [3.268], лирик асарнинг тематик қурилиши ҳақида сўз борганда эса баъзан “лафзий тема” (словесная тема) [4.30] атамалари ишлатилади. Ҳолбуки, иккала ҳолда ҳам гап, аслида, биз назарда тутаётган мотив ҳақида кетаётган бўлади. Хуллас, лирик асардаги мотив-образ темани ривожлантириш, воқелантиришга хизмат қилади. Бошқача айтсак, мотивнинг лирик асар тематик қурилишидаги ўрнини худди сўзнинг жумладаги ўрни каби тушуниш мумкин. Ўз холича ҳам муайян маънога эга сўзларнинг ўзаро грамматик-мазмуний алоқа-муносабатга киришиши натижасида мазмун (гап) юзага келгани каби, поэтик мотивларнинг ўзаро алоқа-муносабати лирик асар мазмунини юзага чиқаради.

Ойбекнинг 1926 йилда ёзилган “Турмуш йўлида” номли шеърида ҳам йўл мотиви бадиий талқин қилинади:

Йўл кўп узун...Ҳар томоним тоғлиқ, тошлиқ,
Сурунаман ўтмоқ истаб бу йўллардан
Яна мудҳиш, қизгин қумли шу чўллардан.
Тилакларим, ғайратларим менга бошлиқ.

Баъзи вақтда заҳар совуқ кучоқ очар,
Баъзан қуёш, гўзал кўклам нурин сочар.
Баъзан тўлқин билан келар турмуш сели,
Баъзан кўнглим қитиқлайдир тонгнинг ели.

Йўқ, қайтмайман ҳеч орқага... кучим толмас,
Ҳаёт гўзал, амал буюк, сел тўсолмас. [5.71]

Иккала шеърни қиёслашни талқиндаги умумийликдан бошлангани тўғри бўлади. Умумийлик қуйидаги нуқталарда кўзга ташланади: 1) ҳар икки шеърнинг лирик қаҳрамони ҳам ўзини “йўлчи” ўлароқ ҳис қилади; 2) иккала лирик қаҳрамон ҳам йўл узун ва машаққатли эканини таъкидлайди; 3) иккаласи ҳам қийинчиликларни енгиб ўтишига ишонади, “буюк амал” йўлида собитқадам бўлишини таъкидлайди. Қиёсланаётган шеърлардаги мотив-образлар тизими ҳам деярли бир хил: “йўлчи”, “йўл”, “буюк амал” ва йўлдаги тўсиқлар (тоғлар, чўллар, сувлар). Ойбекнинг шеърида йўлдаги йўлчининг ҳоли бир қадар конкретлаштирилади: унга гоҳ “заҳар совуқ” кучоқ очса, гоҳ кўклам қуёши нурини, яъни йўлда хуш ва нохуш ҳолатлар алмашилиб туришини англатувчи тафсилотлар кириб келади. Бироқ бу иккала шеърни кескин фарқламайди: бирида ифода қисқароқ, иккинчисида эса деталлаштирилган, тафсиллироқ, холос. Лекин бу гап уларнинг ифода томонига нисбатан айтилсагина тўғри бўлади, чунки бир хил мотив-образлар ифодалаётган мазмунни бир хил деб бўлмайди.

Маълумки, бу давр ижодкорлари икки оқимга ажралади. Миллат, тараққий, истиқлол ғояларини тараннум этган жадид адабиёти вакиллари ҳамда коммунистик жамият қуриш ғоясига мафтун шаклланаётган шўро адабиёти вакиллари. Шу маънода Чўлпон талқинидаги йўлчи кўзлаб бораётган “буюк амал” истиқлол бўлса, Ойбекнинг йўлчиси кўзлаган манзил коммунистик жамиятдир. Бошқача айтсак, бу ерда шакл бир хил бўлгани ҳолда мазмун турлича, яъни Чўлпон ва Ойбек қўллаган мотив-образлар орасида омонимик муносабат кузатилади. Бунга иккала шеърни тарихий-биографик контекстда, шунингдек, Чўлпон ва Ойбекнинг худди шу шеърлари ёзилган даврдаги бошқа асарлари контекстида олиб тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ушбу мақола мақсадига кирмагани ва ҳажми ўйлаб, бу ишни кейинга қолдириб тураемиз.

Икки шеър таҳлили мисолида юқорида айтилган гаплар янги ўзбек адабиётининг шаклланиши жараёнида шеърятимиздаги поэтик образлар тизимининг янгиланиши жуда муҳим аҳамиятга эга бўлганини кўрсатади. Мазкур жараёни ўрганиш, унинг асосида ётган қонуниятларни аниқлаш эса адабиётшунослик учун муҳим хулосаларга олиб келади.

References:

1. Чўлпон. Асарлар. 1-жild. – Т.: “Акdemnashr” 2016. 43 bet
2. Quronov D., Mamajonov Z., SHeralieva M. Adabiyotshunoslik lug'ati. - T.: 2010. 180 bet.
3. Xalizev V.E. Teoriya literaturi. - M., 1999. - S.268
4. Jirmunskiy V.M. Teoriya literaturi. Poetika. Stilistika. - L., 1977. - S.30
5. Oybek. Mukammal asarlar to'plami. 1-tom. T.: “Fan” 1975. 71-bet

МУНДАРИЖА

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ

01.00.00

ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИЕ НАУКИ

PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES

- 1 Visual c# da razryadli operatsiyalar.
Temirov O.M..... 3
- 2 Java dasturlash tilida abstrakt sinflar
Holmirzayev H.E..... 6
- 3 Ўнг томони номаълум ва коэффициенти узулишга эга бўлган биринчи тартибли
чизиқли оддий дифференциал тенглама учун масалалар
Тиллабаева Г.И..... 10
- 4 Matematika darslarida muammoli ta'lim
Alixanov O.O..... 15
- 5 О некоторых задачах теории одномерной бифуркации
Тухтасинов М,Кушақов Х.Ш 20

КИМЁ ФАНЛАРИ

02.00.00

ХИМИЧЕСКИЕ НАУКИ

CHEMICAL SCIENCES

- 6 Карбоксиметилцеллюлоза: олиниши, айрим физик – кимёвий хоссалари,
ишлатилиши (обзор)
Сайпиев Т.С..... 27
- 7 N-vinilpirrolidon asosida suvda eruvchan sopolimerlar sintez qilish va ular
makromolekulalarining kompozitsion tuzilishini o'rganish
Toshmatov Y.R., Dexqonov R.S.,Boydedayev. A.A..... 39

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

03.00.00

БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ

BIOLOGICAL SCIENCES

- 8 Far1 Related Sequence (FRS) генлар оилас ининг вакили frs10 генни g.hirsutum
туридаги функсиясини рнки технологияси ёрдамида ўрганиш.
Усманов Д.Э, Буриев З.Т, Абдукаримов Ш.С, Собиров Б.М, Мухторов А. Т..... 46
- 9 Кўхитанг тизмаси флораси таркибидаги ziziphora l. туркуми турларининг
биоэкологияси
Ибрагимов А.Ж,Батошов А.Р,Каримов Б.А,Мирзаев С.И 50

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ

05.00.00

ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ

TECHNICAL SCIENCES

- 10 Интернет самарали коммуникация канали сифатида
Бекназаров К.Т..... 54

ТАРИХ ФАНЛАРИ

07.00.00

ИСТОРИЧЕСКИЕ НАУКИ

HISTORICAL SCIENCES

11	XX asrning 60-80-yillarida namangan viloyati xalq ta'limi tizimi: muammolar va yutuqlar Mamasaidov L. P.....	60
	ФАЛСАФА ФАНЛАРИ	
	09.00.00 ФИЛОСОФКИЕ НАУКИ	
	PHILOSOPHICAL SCIENCES	
12	Tarixiy taraqqiyotda ayollarning o'rnini Mamatov O.V.....	64
13	Миллий байрамларда санъат турларининг ифодаси Шадиметова Г.М.....	67
14	Замонавий санъатларда янги эстетик мезонларнинг вужудга келиши Кадирова Д.С.....	72
15	Мақом куйларининг фалсафий-эстетик моҳияти Нуруллаева З.С.....	78
16	Ахборот медиамаданияти трансформацияси ва глобаллашуви Кодиров Н.М.....	83
17	Ренессанс даври мутафаккирлари оилавий муносабатларда поклик ва гўзаллик ҳақида Хандамова М.....	93
18	Полифункционаллик халқ қабулхоналарининг ўзига хос хусусияти сифатида Айтбоев М.Ю.....	99
19	Оиланинг жамиятдаги роли ва ижтимоий функциялари Абдуллаева Н.....	103
20	Инновация фалсафасининг ижтимоий функционал хусусиятлари Ходжаев С.Б.....	108
21	Боҳарзий ва унинг вақф ерлари Норова М.Ф.....	113
22	Туркистон “Янги усул” мактабларида таълим жараёнининг ташкил этилиши ва ундаги гендер муаммолари Намазова Ю.М.....	121
23	Аҳмад Заки Валидийнинг тарих фалсафаси Хужаев М.И.....	126
	ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	
	10.00.00 ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ	
	PHILOLOGICAL SCIENCES	
24	The Role of stylistics in linguistics and literature Umrzaqov I. I.....	133
	Девону Луғотит Турк” асарида қўлланган шахс номлари гуруҳига оид	
25	лексемаларнинг семантик хусусиятлари Розикова Г.З.....	136
26	О'zbek tiliga o'zlashgan arabcha leksemalar va ularning badiiy asarlarda qo'llanilishi Rahmatullayev.Y.....	142
27	Замонавий таълим тизимида касбий компетентликни модуллаштиришмоҳияти	

Абдиева С.М.....	146
28 Qo'shma gaplarda shakl va mazmun Ahmedova N.Sh.....	151
29 Краткий обзор по историю изучения терминов родства в узбекских и английских языках Каримова В.....	156
30 O'zbek adabiy tili uslublarining shakllanishi Vabaxanova D.A.....	163
31 Йўл мотиви ҳақида Қўчқаров О.....	169
32 Жаҳон тилшунослигида диний функционал услубнинг ўрганилиши Юсупова Ш.Т.....	173
33 Жек лондоннинг исёнчи асаридаги воқеаликни тасвирлаш хусусиятлари Najmiddinov J, Bahodirov A.....	179
34 Johann Wolfgang Gytoring "Yosh Verterning iztiroblari" romanida poetonimlar talqini Vozorova R.Sh.....	182
35 "Алпомиш" библионими ва бош тимсол исми, лақаби хусусида Улуқов Н, Юнусова Б.....	186
36 Наманган қипчоқ шевалари ва этнослараро жараёнлар Дарвишов И.Ў.....	190
37 Grammatik ko'rsatkichlarning o'zlashtirilishida aniqlik darajasi (O'zbek tilini o'rganayotgan koreyslar misolida) Saidaxmedova O.I.....	197
38 Перевод понятий означающие национальных конвенций, традиций и обряд Самандаров . Ш.С.....	202
39 Принцип вежливости в речевом общении. Саидова М.Ш, Холматова Г.И.....	205
40 Адабиёт ва прагматика Раҳимов У.Э, Махаммаджлонов Н.Д.....	209
41 Хикматли сўзлар таржимасида қофияни сақлаш Абдуллажанов А, Мамадалиев Э.....	214

ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ
11.00.00 ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ НАУКИ
GEOGRAPHICAL SCIENCES

42 Фарғона водийси дарёлари оқимининг иқлим илишига реакцияси Солиев И.Р., Ғулумжонов Д.....	219
---	-----

13.00.00 ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ
ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PEDAGOGICAL SCIENCES

43 Готовность будищих педогогов как основной фактор успешности инклюзивного образования Сатторов М, А.....	225
---	-----

44	Педагогик стратегия - олий таълим муассасаси битирувчисининг рақобатбардошлигини шакллантиришнинг концептуал асоси Эргашев Б.Б.....	229
45	Таълимда ахборот коммуникацион технологияларидан фойдаланиш афзалликлари Ниязова Н.А.....	234
46	Олий таълим муассасалари ўқув-тарбия жараёнида фанларичра ва фанлараро интеграциясини таъминлашнинг педагогик-психологик масалалари Жуманов А.А.....	237
47	Мактабгача таълим ташкилотларини инновацион ривожлантириш муаммолари Абдуназарова Н.Ф, Хамдамова М.Т, Парманов Ж.А.....	242
48	Физика ўқитувчиларининг таълимга инновацион ёндашуви Бекназаров З.Ф.....	245
49	Тухника йўналишиндаги мутахассис компетентлигининг модели Даминов О.О.....	250
50	Олий таълим муассасаларида замонавий инновацион технологияларини қўллашнинг ўзига хослиги ва хусусиятлари Исмаилова З.К, Химматалиев Д.О.....	257
51	To actual directions of development of export of fruit and vegetable products in Uzbekistan Avulchaeva F.....	261
52	The significance of cultural awareness in second language learners' classroom Umirzakova D.A.....	264
53	Boshlang'ich sinf o'quvchilarini kommunikativ kompetensiyasini shakllantirish yo'llari Jo'rayeva T.U, Shamirova Y.K	268
54	Role of peer observation in foreign language teaching Jalolov Sherali, Botirova Z.X.....	274
55	Ingliz tilni o'rgatishda mnemonik usullardan foydalanish Yunusova Y.B.....	278
56	Талаба ёшлар соғлом турмуш тарзини шакллантириш масаласига қадрият сифатида қарашни тарбиялаш муаммолари Назаров А.Т.....	281
57	“Олий таълим муассасалари ўқув–жисмоний машғулотлар жараёнини ташкиллаштиришда blended learning концепциясидан фойдаланиш орқали таълим сифатини ошириш” Махкамов А.Ю.....	284
58	Ўқувчиларнинг геометриядан ўқув фаолиятини фузионизм ғояси асосида такомиллаштириш йўллари Ғойибназарова Г.Н, Джураева Ш.К.....	288
59	Мактабгача таълим муассасаларини сифат жиҳатдан такомиллаштириш Ибрагимова Г.Н.....	293
60	8-синф физика курсининг “электр заряд. электр майдон” бобини ўқитиш Зоҳидов И.О, Каримова Р.К, Умаров А.О.....	298

61	Таркибида сирт фаол модда тутган учкарбамид хлорат натрий дефолиантини олиш жараёнини ўрганиш Умиров Ф.Э, Худойбердиев Ф.И, Номозова Г.Р, Закиров Б.С.....	303
62	Ижтимоий-эмоционал кўникмалар шаклланишининг педагогик-психологик омиллари Раҳимова М.А.....	311
63	Ҳамкорлик педагогикасининг узлуксиз таълим тизимидаги инсонпарварлашув хусусиятлари Ўринова Ф.Ў, Усмонова Ш.Ё.....	317
64	Чақириққача ҳарбий таълим бўйича мутахассисларни шакллантиришнинг долзарб масалалари Хасанов А.Т, Юсупов Т.Т.....	323
65	Мобиллик-олий педагогик таълимни модернизация қилиш сифатида Эшназарова М.Ю.....	327
66	Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларида касбий муҳим сифатларни шакллантириш педагогик жиҳатлари Қодиров М.М.....	332
67	Бошланғич таълимда прагматик ёндашув асосида матн ўқишнинг ўзига хос хусусиятлари Йўлдашева Д, Буважонова М.....	338
68	Бошланғич таълимда интеграциялашган ўқитишнинг аҳамияти Рустамова Д.....	341
69	Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни нутқ маданиятини шакллантиришда китоб ва унинг аҳамияти Ўринова Ф, Сидикова З.....	344
70	Технология использование метода кейс-стади при изучении компьютерной графики. Отабаева Ф.Т.....	348
71	Pedagogik tajribalarni to'plash va ommalashtirish tizimi Mo'minova G, Insarova G,.....	355
72	Талабаларнинг мустақил таълим фаолиятини ривожлантириш- ўқув жараёнининг асоси Мўминов З.О.....	359
73	Innovatsiya ta'limning muhim elementidir. Madaminov F.Sh.....	367
74	Intellectual kompyuter o'yinlari yordamida individual matematik ta'limni yo'lga qo'yish Najmiddinova . N.Y.....	373
75	Футболчиларни эмоционал ҳолатларини аниқлашнинг методик хусусиятлари Сатиев Ш.К	378
76	Бўлажак ўқитувчиларнинг мустақил фикрлаш маданиятини ривожлантириш моделини такомиллаштириш. Қамбаров М.М	384

77	Содержание и структура учебников по методике обучения языкам Габдулхаков, Фарид Ахунович.....	391
	ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ PSYCHOLOGICAL SCIENCES	
	19.00.00	
78	Оилада болаларнинг ижтимоий- ахлоқий сифатларини шакллантириш омиллари Ортиқова З.Н.....	395
	СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ СОЦИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ SOCIOLOGICAL SCIENCES	
	22.00.00	
79	Маънавий тарбия ва тарихий онг Махкамов Қ.О.....	398